Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши

19 ИЮНЬ, 1969 Й
ПАЙШАНБА
№ 143 (907).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

„ДЎСТЛИК“ МЕҲМОНХОНАСИ

Навоий ва Энгельс кўчаларининг муюлишида бир-биридан чиройли икки осмонўпар бино қад кўтарди. Бу ерда Воронеж қурилиш-монтаж поезди йигит-қизлари меҳнат қилишмоқда. Қўли гул бинокорлар янги меҳмонхона биносини бунёд қилмоқдалар.

Бугун

меҳмонхонанинг биринчи биноси пардозлашдан чиқарилди. Қурувчилар иккинчи бинони пардозламоқдалар.

Қурилиш участкасининг бошлиғи Геннадий Сергеевич Сафронов мухбиримизга бундай деди:

— Биз қурувчилар ҳар бири 9 қаватли икки бинони қурдик. Меҳмонхона 480 кишини ўз бағрига олади.

Лойиҳа бўйича бино уй-жойга мўлжалланган эди. «Ташгипрогор» институтининг Илларионов ва Гильман ўртоқлар бошлиқ лойиҳачилари 9 қаватли уй чизмаларини меҳмонхонага мослаштиришди. Меҳмонхона биноси муюлишга қурилиши билан шаҳар чиройини янада очиб юборади. У мустаҳкам қурилган бўлиб ҳарқандай зилзилага бардош беради.

— Бино олдида яна бир қўшимча объект қурилиши ҳам бошланди. У 200 ўринли ресторандир. Унинг лойиҳасини Москвадаги ЦНИЭП савдо биноларини лойиҳалаш институтининг инженерлари тайёрлаганлар.

Қурилишда 200 дан ортиқ киши сидқидилдик билан ишламоқда. Н. А. Пирянов, Н. Белоусов, К. Металлис, С. Сениклидис бошлиқ бригадалар, прораблардан Н. Смирнов, В. Беляев, В. Картавцев ва бошқалар поезд коллективининг фахри ҳисобланишади. Улар ўзларининг ғайрат ва шижоатлари билан зиммамизга олган топшириқларни ўз вақтида бажаришга ҳисса қўшмоқдалар.

Меҳмонхонани «Дўстлик» номи билан аташга қарор қилдик. Чунки у Воронежнинг Тошкентга қилган бир умрлик совғаси бўлсин.

Шундай қилиб «Дўстлик» меҳмонхонаси эшиклари июль ойида очилади.

Куни кеча биз Тошкентга келиб меҳнат қилаётганлигимизнинг уч йиллигини нишонладик. Уч йил ичида бир талай ишларни бажарибмиз.

Чилонзорнинг В-23 кварталида кўп квартирали учта уй, «Марказ 4» да ҳар бири 40 квартирали 2 та уй, битта 80 квартирали уй, 240 ўринли болалар боғчаси, битта кафетерий қуриб фойдаланишга топширдик.

ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДА

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАР ХАЛҚАРО КЕНГАШИНИНГ МУРОЖААТИ

В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллик юбилейи арафасида коммунистик ва ишчи партиялар Кенгаши ўзининг бутун фикри-зикрини революцион давримизнинг ўлмас доҳийсига қаратади.

Ленин номи жаҳоннинг социал қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган, инсониятнинг социализмга ва коммунизмга бурилишини бошлаб берган Улуғ Октябрь ғалабаси жуда катта революцион ишларининг рамзи бўлиб қолди.

Ленин Маркс билан Энгельс яратган фанни: диалектик материализмни, сиёсий иқтисодни, социалистик революция ва коммунистик жамият қуриш назариясини ҳар томонлама ривожлантирган энг зўр мутафаккирдир.

Ленин — янги типдаги биринчи пролетар партияси бўлган большевистик партиянинг бунёдчиси, жаҳонда биринчи зафарли социалистик революциянинг раҳбари, тарихда биринчи пролетар давлатининг, Совет Социалистик демократиясининг асосчиси.

Ленин — империализмга ва реакцияга қарши курашиб келган, ялпи синфий душман билан олиб борилган жангларда меҳнаткашлар барча отрядлари ҳаракатининг бирлигини қаттиқ туриб сақлаб қолган букилмас курашчи; изчил интернационалист, тенглик, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик ўрнатувчи, ирқчилик ва шовинизмнинг ҳар қандай кўринишларини дарғазаб бўлиб қоралаган курашчи; барча мазлум миллатларнинг дўсти, мустамлакачиликка қарши, халқларнинг мустақиллиги ва озодлиги учун, уларнинг ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқини олишлари учун курашнинг зафарли йўлини очиб берган буюк зот.

Халқаро ишчилар синфининг танилган йўлбошчиси Ленин пролетариатни капитализмни ағдариб ташлашдан ва жамиятни социалистик негизда қайта қуришдан иборат жаҳоншумул тарихий вазифани бажаришга қодир етакчи куч, деб билди. У ишчилар синфининг деҳқонлар билан иттифоқи тўғрисидаги таълимотни ишлаб чиқди. Ишчилар ҳаракатининг бирлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб келган Ленин ҳамма шаклдаги оппортунизмга нисбатан муросасиз эди.

Ленинизмнинг таъсири остида ишчилар синфига, халққа социализм ишига бениҳоя содиқ коммунистлар авлоди ўсиб етишди. Ленининг ҳаёти ва фаолияти унинг революционер, ўртоқ, инсон сифатидаги юксак хислатлари бутун дунёдаги миллион-миллион революцион жангчилар учун ҳамиша илҳомбахш ўрнак бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатларнинг аксариятида революцион ҳаракат ленинизм байроғи остида янги погонага кўтарилди, коммунистик партиялар тузилди ва мустаҳкамланди, халқаро коммунистик ҳаракат ҳозирги замоннинг чинакам жаҳоншумул, энг нуфузли сиёсий кучига айланди.

Жаҳон социализмининг ишчилар ва миллий озодлик ҳаракатининг бутун тажрибаси марксизм-ленинизм таълимотининг халқаро аҳамиятини тасдиқлади. Бир группа мамлакатларда социалистик революция ғалаба қилди, жаҳон социалистик системаси вужудга келди, капитал мамлакатларида ишчилар ҳаракати зафарларга эришди, собиқ мустамлакалар ва ярим мустамлакаларнинг халқлари мустақил ижтимоий сиёсий фаолият майдонига чиқдилар, антиимпериалистик кураш мисли кўрилмаган даражада юксалди — мана шуларнинг ҳаммаси ҳозирги даврнинг туб эҳтиёжларини ифодаловчи ленинизмнинг тарихан ҳақ эканлигини исботлаб турибди.

Ленин марксизмни тавсифлаб, бу таълимот тўғри таълимот бўлгани учун ҳам ҳамма нарсага қодир, деб айтган эди. Бугун бизнинг Ленин таълимоти тўғрисида худди шу сўзларни айтиш учун тўла асосимиз бор. Марксизм-ленинизм назарияси, уни конкрет шароитда ижодий қўлланиш жаҳон революцион ҳаракати қаерда иш олиб бормасин, унинг ҳамма отрядлари олдида пайдо бўлаётган саволларга илмий жавоб топишга имкон беради.

Улуғ интернационал таълимот бўлган марксизм-ленинизмга содиқлик коммунистик ҳаракатнинг ҳамиша муваффақият қозонишини таъминловчи гаровдир.

Марксизм-ленинизмнинг, пролетар интернационализмининг революцион принципларини ҳар қандай ёвларга қарши курашда қаттиқ туриб ҳимоя қилишни, бу принципларни оғишмай амалга ошираверишни, марксизм-ленинизм назариясини ҳамиша ривожлантираверишни, уни синфий курашнинг ва социалистик жамият қуришнинг ҳозирги замон тажрибалари асосида бойитиб боришни коммунистлар ўзлари учун вазифа деб биладилар. Коммунистлар ленинизмнинг ижодий руҳига ҳар доим содиқ бўлиб қоладилар.

Ленининг яқинлашиб келаётган юбилейи жаҳоншумул аҳамиятга эга тарихий санадир. Коммунистик ва ишчи партиялар бу санани ўзларининг революцион фаолиятлари активлаштирилаётган шароитда кутиб оладилар ҳамда уни омма орасидаги сиёсий ва идеология ишини кучайтириш, ўз сафларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш билан нишонлайдилар. Улар империализмга қарши, социализмнинг нурафшон идеаллари йўлида курашга меҳнаткашларнинг революцион ғайратини сафарбар қилиш учун бутун кучларини сарфлайдилар.

Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашининг қатнашчилари барча коммунистларга, жамиятни социалистик негизда ўзгартириш учун курашувчиларнинг ҳаммасига, тараққиёт ва тинчликнинг барча тарафдорларига мурожаат қилиб, уларни улуғ Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб нишонлашга чақирадилар. Ленин асарларини ўрганингиз! Реакция ва зулмга қарши, социализм ва тинчлик йўлида кураш учун сизлар шу асарлардан битмас-туганмас илҳом манбаини топасиз. Бу асарлар билан танишиб чиқиш ёш авлоднинг дунёқарашини революцион истиқболини равшанроқ кўришига ёрдам беради. Ленинизмнинг муваффақиятларини, социалистик мамлакатларнинг, коммунистик партияларнинг, барча революцион кучларнинг ютуқларини кенг пропаганда қилингиз!

Ҳамма мамлакатларнинг меҳнаткашлари, бутун дунё халқлари!

Ленин идеаллари тантана қилсин деб, сизларни ишчилар синфининг тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун олиб бораётган улуғ ва олижаноб жангига актив қўшилишга чақирамиз!

Жаҳонни революцион негизда янгилаш учун курашда ленинизм байроғини баланд кўтарайлик!

Яшасин ленинизм!

1969 йил, 17 июнь.

«МОСКВА» ҚАҲВАХОНАСИ

Шаҳримизнинг Пушкин номли кўчасида иттифоқимиз пойтахтининг бинокорлари қуриб фойдаланишга топширган «Москва» гастрономи иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ.

Бугун

Ғафур Ғулом кўчасидаги 26-кварталда яна бир савдо марказининг эшиклари очилди.

Бу ерда озиқ-овқат магазини ва қаҳвахона ишга туширилди.

Ойна ва бетондан қад кўтарибқора мармар билан безатилган хушбичим бино 24, 25, 26, 23, 12- ва бошқа кварталларда яшовчи аҳолига хизмат қилади.

Савдо марказининг иккинчи қаватида жойлашган қаҳвахона «Москва» номи билан аталди. Қаҳвахона залларидан бири 150 ўринлидир. Бундан ташқари ихчамгина мусалласхона ва музлик ичимликлар сотиладиган зал бор. Қаҳвахонанинг пазандаларидан Ш. Исматов, Ҳ. Тожиев, Н. Люнеев, инженер - технолог А. Рухлин ва бошқалар муҳташам бинода иш бошлаганликларидан хурсанд. Қаҳвахона барча зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. «Москва» қаҳвахонаси оқшом пайтларида ресторан тартибида ишлайди. Унда европача таомлар билан бирга, шўрва, палов, кабоб каби миллий таомлар ҳам тайёрланади.



СУРАТДА: «Москва» қаҳвахонасида дастлабки хизмат кўрсатиш пайти.

РАПОРТЛАР ОҚИМИ

Шу кунларда пойтахтимизда жадаллик билан меҳнат қилаётган қурувчиларнинг катта отряди янги биноларни бирин-сирин фойдаланишга топширмоқдалар.

Бугун

Давлат комиссияси 1-уйсозлик комбинатининг посёлкасида 48 квартирали уйнинг қурилиши билан танишди. Комиссия қурувчиларнинг меҳнатига муносиб баҳо берди. Шундай қилиб 3-трестнинг 23-бошқармаси ҳисобига яна бир уй ёзилди.

◆ **Авиация заводининг ишчи ва хизматчиларидан 96 оила янги бинога кўчиб ўтадиган бўлди. 3-қурилиш трестининг 5-бошқармаси Рисовая даҳасида 96 квартирали ҳашаматли уйни тайёр қилди.**

◆ **Ғиждувон кўчасида 280 ўринли болалар боғчаси биноси ҳамманинг диққатини ўзига тортяпти. 3-трестнинг 5-бошқармаси бинокорлари қурган бу бино бир неча кундан кейин эркатойларни ўз бағрига олади.**

Тинчлик гарови

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАР ХАЛҚАРО КЕНГАШИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ ПОЙТАХТ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА.

ҚАРДОШЛИК ҚУДРАТИНИНГ НАМОЙИШИ

Бундан ярим асрча муқаддам ёш советлар мамлакатининг дўстлари камчилик эди. Орадан шунча вақт ўтиши билан дўстларимиз, қардошларимиз сафи жуда кенгайди.

Куни кеча Ватанимизнинг пойтахти Москвада ўз ишини тамомлаган коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро кенгаши бунинг ёрқин далили бўлди.

Халқаро кенгашда сўзга чиққан қардош партияларнинг вакиллари доҳиймиз В. И. Ленин асос солган коммунистлар партиясининг олиб бораётган доно сиёсатига мунозиб ижобий баҳо бердилар. Кенгаш қатнашчилари жаҳонда тинчлик озодлик бўлишини таъкидлаб ўтдилар.

Биз ишчилар ва хизматчилар бир неча кун давом этган кенгаш ишини зўр эътибор билан кузатиб бордик.

Москва кенгашидан ҳам қардошлик, биродарлик руҳида ўтди. Унинг иши тинчлик йўлидаги яна бир мустаҳкам кўприк бўлди.

Ҳ. АЛИМОВ,
9-ҳунар - техника билим юртининг мастери.

ҲАМФИКРМИЗ

Куни кеча ўз ишини муваффақиятли тамомлаган коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгаши материаллари мени ҳаяжонга солиб юборди. Бу кенгаш ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва куролсизланиш сари қўйилган яна бир дадил қадам бўлди.

Кенгашда бир овоздан қабул қилинган «Тинчликни ҳимоя қилиш тўғрисида хитобнома» да «Биз, коммунистлар ҳамма синовлар вақтида халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликдан иборат ленинча ғояларга чексиз содиқ бўлиб келдик», дейилади. Ҳа, бу фикр барчанинг тинчликсевар прогрессив кишиларнинг фикридир.

Мен ҳам институт профессор-ўқитувчилари билан биргаликда кенгаш қабул қилган барча ҳужжатларни қўллаб-қувватлайман.

Х. САИДХОНОВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти чизмачилик кафедрасининг ўқитувчиси.

ЛЕКТОРЛАР АНЖУМАНИ

Шаҳар билим жамиятининг пленуми

«Билим» жамияти бошланғич ташкилотларида ленинча назарий билимни пропаганда қилиш юзасидан жуда катта сўз юритилди. Октябрь район онидаги бошланғич ташкилотлар ва халқ университетлари иши шаҳар «Билим» жамияти пленумида муҳокама қилинди. Пленумда геология—минералогия фанлари доктори, профессор Ҳосил Нурматович Боймуҳамедов ва Узбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ҳаким Ҳайдарович Усмонхўжаев ўртоқлар доклад қилишди.

Ленин юбилейига тайёргарлик кунларида Октябрь район «Билим» жамияти бошланғич ташкилотларида ленинча назарий меросни ўрганиш, Ильич ҳаёти ва фаолияти ғояларининг амалга оширилиши юзасидан катта ишлар олиб борилмоқда.

Республика фанлар академиясининг олимлари В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети, Халқ хўжалиги институти, Политехника институти профессор-ўқитувчилар состави, район зиёлилари билимларни тарқатиш марксизм-ленинизм ғояларини пропаганда қилишда актив қатнашмоқдалар.

«Билим» жамияти трактор йиғув заводи, радиодеталлар заводи бошланғич ташкилотларида ёшларни В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти мисолларида тарбиялаш, революцион жанговар ва меҳнат традицияларини ташкилотларида ленинча назарий билимни пропаганда қилишга катта эътибор берилмоқда. Ёшлар билан ишлашда пропагандининг ленинча ўқишлар ва ёш марксист университети, ленинча дарслар. В. И. Ленин асарлари бўйича илмий-назарий конференциялар ва семинарлар каби формалари қўлланмоқда. Ёш йигит-қизларнинг кекса коммунистлар, революция ветеранлари, биринчи беш йилликлар қурувчилари, меҳнат ва Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари билан учрашувлари тез-тез ўтказилиб турибди.

Октябрь район «Билим» жамияти фаолиятига ижобий баҳо бериб, пленум шаҳарда В. И. Ленин назарий меросини пропаганда қилишда яна юбилей кунларигача янада ишлар қилинишни зарурлигини таъкидлади.

Марксча-ленинча назарияни пропаганда қилишда «Билим» жамияти ташкилотлари олдида КПСС Марказий Комитети апрель (1968 йил) Пленуми ва КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига тайёргарлик ҳақида»ги қароридан самарали фойдаланишдек вазифалар турибди.

Пленум таъкидлайдики, райондаги қурилиш техникуми (раиси Р. В. Агишев), кароват заводи (раиси Л. Я. Минхин). 35-мактаб (раиси ўртоқ Ахорова) каби бошланғич ташкилотларида жамият сиёсий билимларини пропаганда қилиш ва ёшларни ғоявий тарбиялашга яхши эътибор берилмаяпти.

Кўпчилик ҳолларда марксча-ленинча назария проблемаларини соҳасида лекторларнинг лекцияси ҳаётдан ажралиб қолган, энг асосий назарий фикрлар яхши исботланмаган ҳолда берилмоқда. Лекция тематикаси ҳамон бир ҳилда, ленинизмнинг асосий проблемаларини ўз ичига камраб олмайди. Ленинча улуғ таълимотнинг интернационал аҳамияти, унинг ҳозирги замондаги роли ҳақида лекциялар оз ўқилади. Ўқилаётган лекциялар сифати паст. Айниқса М. Қодиров, И. В. Патров каби лекторлар юзаки лекция ўқишади. Кўпчилик ҳолларда лекторлар В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз юритиб, ленинизм назарияси масаласини етарли ёритмайдилар, улуғ доҳий фикрларининг ҳаётга тадбиқ этилганлиги тўғрисидаги мисолларни кўрсатмайдилар.

Пленум шаҳар «Билим» жамиятининг интернационал дўстлик кечалари, илмий-назарий конференциялар, миллий масала юзасидан Ленин таълимотини пропаганда қилиш ва КПСС ленинча миллий сиёсатининг амалий ютуқларини пропаганда қилишдаги ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан конкрет тадбирлар белгилади.

«ЎТГАН КУНЛАР» МУҲОКАМАСИ

● КИНО


Машҳур ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини ўқимаган ўзбек китобхони, унинг машҳур асари кирмаган ўзбек хонадони бўлмаса керак. Ҳа, бу роман китобхонларимиз қалбини жуда ҳаяжонга солиб келади.

«Ўзбекфильм» киностудиясининг ижодкор коллективи ана шу роман асосида янги бадиий фильм яратди. Унинг сценарийсини Собир Муҳамедов ёзган. Фильмнинг постановкачи режиссёри Йўлдош Аъзамовдир.

Фильмдаги бош ролларни Ў. Алихўжаев, Г. Жамилова, А. Бакиров, Р. Ҳамроев, Р. Пирмуҳамедов, М. Ёқубова сингари артистлар ижро этганлар.

Яқинда республика «Билим уйида «Ўзбекфильм» киностудиясининг бу янги маҳсулоти—«Ўтган кунлар» фильмининг кўриги бўлиб ўтди. Муҳокамага келган кинематографчилар фильмнинг қандай яратилгани ҳақида сўзлаб бердилар. Муҳокама охирида «Ўтган кунлар» фильми намойиш қилинди.

◆ ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР



Сиз суратда Чирчиқ шаҳридаги трансформатор заводининг яқинда қуриладиган клуби макетини кўриб турибсиз.

•*Партия турмуши*

Илғорлар— КПСС сафига

2-пардозлаш трестига қарашли 11-қурилиш бошқармаси коммунистларининг навбатдаги йиғилиши давом этмоқда. Кўрилаётган масалаларнинг бири—КПСС аъзолигига кандидатлар қабул қилиш. Партия ташкилотининг секретари Р. Солиҳов коммунистик партия сафига кандидатликка ўтаётган бўёқчи С. Мунавваровнинг аризасини ўқиб беради. Унга Октябрь район комсомол комитети ҳамда коммунистлардан С. Ходматов ва Н. С. Лавровскаялар кафолатнома беришган.

—Ким КПСС аъзоси бўлиши мумкин? — савол беришади унга.

Коммунистлар С. Мунавваровнинг бу жавобидан тўлиқ қаноатланадилар.

С. Мунавваров коммунистлар томонидан берилган барча саволларга тўлиқ жавоб бергач, КПСС аъзосига кандидатликка қабул қилинади.

Шундан кейин партия ташкилотининг секретари Р. Солиҳов бўёқчи Т. Мамажоновнинг аризасини ўқиб эшиттирди. Т. Мамажонов ҳам коммунистларнинг саволларига яхши жавоб бергач, КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинади.

КПСС аъзолигига кандидатлар қабул қилиш жараёнида коммунистлар партия ташкилотининг секретари Р. Солиҳовнинг партия сафига кириш учун ариза берганлар билан яхши иш олиб борганлигини билиб олдилар.

Р. Солиҳов ўзи бош бўлган бошланғич партия ташкилотидаги коммунистлар сафини доимо илғор жамоатчи кишилар билан тўлдириб боришга ҳаракат қилмоқда.

Партия сафига ўтган С. Мунавваров, Т. Мамажонов кабилар доимо меҳнатда ва шахсий ҳаётларида кўпчиликка намуна бўлишмоқда.

КОЛХОЗЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Яқинда шаҳримиз шифокорларидан бир группаси Тошкент областининг Бўстонлиқ қишлоқларида бўлишди. Шифокорлар Ғазалкентдаги даволаш пунктини кўздан кечирдилар, бу ерда ишлаётган медицина ходимларига тегишли маслаҳатлар бердилар, оғирроқ касалларни Тошкентга жўнатдилар.

Кечқурун олимлар «Ленинград» колхози меҳнаткашларининг меҳмони бўлишди. Олимларнинг маслаҳатларини, нутқларини эшитиш учун атроф колхоз меҳнаткашлари ҳам келишди. Кечада медицина фанлари докторлари Р. Худойбердиев, Ф. Абдуҳакимов, доцентлардан Т. Мақсудхўжаев, С. Ҳасанов, К. Олимжонов ўртоқлар иштирок этишди.

Шундан кейин олимлар йиғилиш қатнашчилари саволларига жавоб беришди.

Бизнинг интервью

ИРМОҚЛАР ЙИҒИЛСА...

«Главташкентстрой» системасидаги хўжаликлар сафида 3-қурилиш трести салмоқли ўрин эгаллайди. Бу ташкилот коллективи шаҳримиз аҳолисига кўплаб уй-жой, мактаб, болалар муассасалари ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари биноларини қуриб бермоқда. Трест В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғаларини билан кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, ярим йиллик планни муддатидан олдин бажарди.

Коллективнинг ютуқлари ва бундан кейинги режалари ҳақида гапириб беришни трест бошқарувчиси Леонид Яковлевич Дикман дан илтимос қилдик.

— Трестимиз коллектив, — дедм бошқарувчи. — Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақага қўшилиб, йиллик планни 25 декабргача бажариш мажбуриятини олган. Йил бошиданоқ бинокорлар олинган мажбуриятларни бажариш учун курашни кучайтириб юбордилар. Ҳозир 17,5 миллион сўмлик иш ўзлаштирилди. Трест коллективи ярим йиллик планни муддатидан олдин бажаришни таъминлади. Қурилиш объектларида қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатлар билан давом этмоқда.

— Йил бошидан буён қанча иш бажарилди?

— Ўтган ярим йиллик мобайнида 5400 квадрат метр уй жой, Ғиждувон кўчасида 280 ўринлик болалар боғчаси ва кўпгина объектлар қурилиб, яхши баҳолар билан фойдаланишга топширилди. Ой охиригача 7.5 минг квадрат метр уйга хонадонлар кўчиб киради. Уй-жойларни фойдаланишга топшириш ярим йиллик планни икки ҳисса бажаришдан иборатдир.

— Коллектив пешқадамларини айтиб берсангиз!

— Ўртоқ Я. Ф. Цепенюк бошчилик қилаётган 23-қурилиш бошқармаси фақат трестдагина эмас, балки бош бошқармада ҳам энг пешқадам коллективлардан ҳисобланади. Шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида коллектив бош пудрат ишлари бўйича 3.859 минг сўм ўзлаштирди. Бу ярим йиллик планга нисбатан 527 минг сўм кўпдир. Ҳозир бу бошқарманинг бинокорлари август ойи ҳисобига ишлашмоқда. Пешқадам коллективнинг аъзоматлари Қўйлиқ-1 янги массивидаги уй-жойларнинг ярмисини қуришдан, «Ташсельмаш» заводидаги бинолар ва бошқа кўпгина объектларни қуришмоқда. Объектларнинг деярлик ҳаммаси тўртинчи бош йиллик охиригача фойдаланишга топширилиши керак.


Шунингдек 57-қурилиш бошқармасининг коллективи ленинча зарбдор меҳнат вахтасида ишламоқда. Бу коллектив биринчи кварталда трест кўчма Қизил байроғи ва пул мукофотини олишга сазовор бўлган. Бу бошқарма ҳам ярим йиллик ишлаб чиқариш программасини деярлик анча ортиғи билан бажарди.

Кўпгина қурувчилар В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига шарафига шахсий мажбурият олишган.

— Сўнгги савол: ютуқларингизнинг сири нимада!

— Нима десам экан!.. Ютуқлар ўз-ўзидан келганн йўқ, албатта. Бу фақат ишчиларнинг фидокорона меҳнати ва социалистик мусобақанинг, қурилиш майдонларида кишиларни жой-жойига қўйиш, меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш ва ишлаб чиқариш процессларини механизациялаштиришнинг натижасидир. Кўпгина объектларда тўрсимон график асосида ишланмоқда. Мукофот системасида ҳақ тўлаш, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишнинг ҳам самараси катта бўлмоқда. Ирмоқлар йиғилиб дарё бўлганидек, илғор иш тажрибаларн умумийлаштирилиб ютуқлар таъминланмоқда.

Ҳ. ҲАКИМОВ.



СУРАТДА: Чилонзорда қардош Белоруссия ва РСФСР бинокорлари қурган янги турар жой бинолари.
И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

КАЛБ АМРИ БИЛАН

ШАҲАР ҳунар-техника билим юртини битказувчиларнинг бир группаси янги Тошкентни бунёд этишда қатнашиш истагини билдирганида Жуманиёз бир оз иккиланиб роқ бўлсаям рўйхатга ёзилган эди. Кечқурун онасига буни билдирганида, она бир сесканиб тушди.

— Нима?! Тошкентга?!

Яккаю-ёлғиз жигарбандини энди ёт шаҳарга юборадими? Онанинг кўзларида мунчоқ ёш тўлганди. «Йўқ, бормайсан!» демоқчи бўлди, лекин овози чиқмади...

Она туни билан ҳаёл суриб чиқди. «Тошкент... эҳе. Москвадан қолишмайди дердилар-а. Ҳе, зилзила бўлмай кетсин. Бечора одамларига қийин, уйлари нураган бўлса, бошпанасиз кўчада қолишипти. Шундай бир пайтда ўғлимни ёрдамга юбормайман деб ўтирибманми ҳали. Бу инсофдан бўлмаса керак. Майли бораверсин. Ишқилиб бошн омон бўлсин.

...Поезд ўриндан секин жиларкан, Жуманиёзнинг қалби тобора ҳаяжонланар, туғилиб ўсган она шаҳри Тошовуз тобора узоқлашарди.

Йўллар... йўллар... Охири йўқдек эди шу тобда Жуманиёзга бу йўлларнинг. Неча-неча қишлоғу шаҳарлардан, беғубор қумлик-саҳролардан келаётган поезд ҳали йўлида давом этарди...

...Жуманиёз Тошкент қурилишларида қатнаша бошлади. Уни 5-трест 46-қурилиш бошқармаси коллективи ўз бағрига олади. Дастлабки иш кунидан бошлаб Жуманиёзнинг меҳнатга иштиёқи зўрлиги, эпчиллик билан ишт тера олишини кўрган бригадир Ҳасан ака Аликов шогирдидан миннатдор. Жуманиёз назарий билимларини амалда муваффақият билан қўллай бошлади. Билмаганларини тажрибали биноқорлардан ўрганди. Изланиш зое кетмади. Аввалларн тўғри қатор ғиштларни терадиган бўлса, эндиликда бурчак ғиштларини ҳам қўя оладиган бўлди. Коллектив ишончини оқлаб келаётган Жуманиёзга 4-разряд бердилар. Бу ғишт терувчи маҳоратига берилган баҳо. Чунки Жуманиёз моҳир ғишт терувчилар қаторидан жой олган эди.

Эндигина йигирма бир баҳорни кўрган бу йигит коллективнинг фахри бўлиб қолди. У ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг кечки бўлимида таҳсил кўрмоқда.

Қалб амри билан Туркманистоннинг Тошовуз областидан келган Жуманиёз Матиев шу кунларда шаҳримизнинг Стародубцева кўчасида тикланаётган 120 ўринли туғруқхона биноси қурилишида актив иштирок этмоқда. У доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан шахсий мажбурият олиб кунлик нормасини ортиғи билан бажармоқда. Ҳамкасбларига намуна бўлмоқда.

С. ҚУЧҚОРОВ.

•*ИШЧИ ЖАНОБ ОЛИЙЛАРИ*

2366 ВАГОН ЮК ТАШИГАН ОДАМ

—Юк кўтаришнинг ҳам ўзига яраша ҳадиси бор, — дейди Ваня амаки. — Куч-қуввати бўлгани билан қадисини олмаган кишининг юк кўтарини қийин.

Ҳамма Ваня амаки, деб чақирадиган кекса ишчи Иван Кузнецов комбинатда 34 йил юкчи бўлиб ишлаб, ўтган йили пенсияга чиққан эди.

Меҳнат майдонида чиниққан И. Кузнецов уйда кўп ўтираолмади. У зерикиб қолди. Орадан кўп ўтмай яна ўзининг севган корхонаси —1-ун комбинатига иш сўраб келди. Корхона раҳбарлари И. Кузнецовнинг қарилигини юз хотир қилиб, уни енгилроқ ишга қўйишмоқчи бўлишди. Лекин Ваня амаки ўзининг севган касби — юкчиликка ўтди.

У қозирда ёшлардек бақувват, кўтаринки руҳда меҳнат қилиб, ёш ишчиларга намуна бўлмоқда. Смена топшириқларини 110-115 процент бажармоқда.

Қизиғи шундаки, Ваня амаки ўзининг 34 йиллик меҳнат даврида 710 минг тонна юк ташибди. Бошқача ҳисобланганда, шунча юк 1183 пул ман ёки 2366 вагонга тўғри келади. Корхонада Ваня амаки Кузнецовни ҳамма кекса, заҳматкаш ишчи, камтарин ва меҳрибон ота сифатида ҳурмат қилади.

Инсон халқ ҳурматига ўз-ўзидан сазовор бўлмайди. Балки халол меҳнати билан ҳурмат орттиради. Иван Кузнецов ҳам меҳнатда обрў топган кишилардан.

А. ҲОЖИХОНОВ,
1-ун комбинатининг смена мастери.



Жонкуяр

Ҳадича Мирзакаримова тавсияси билан Вазирани бир йилга Самарқандга лаборантлик ўқишига юбордилар. У ўқишдан қувонч билан қайтиб келди.

— Мен озиқ-овқат саноати техникумига ўқишга кирмоқчиман,— деди Вазира мастерга.

— Тўғри қиласан,— деди Ҳадича опа.

Ишлаб ўқиш осон эмас. Вазира неча-неча тунларни уйқусиз мутоала билан ўтказди. Лекин машаққатларни енгиб 1968 йилда техникумни муваффақиятли тамомлади.

Ҳозир Вазира бешлик бригадада 22 кишн ишламоқда. У бригада аъзоларидан ким қандай қобилиятга эга эканлигини беш қўлдай билади. Яқинда билим юртини тамомлаган Аня Морозова ана шу цехга ишга келди. Дастлаб унинг иши эса ёшларга ўзи ҳунар ўргатаётган П. Тиньков ҳам мастер ҳақида миннатдорчилик сўзларини айтади.

Ҳар бир ишчига эътиборли бўлган Назирова камчиликларни кўрганда муросасозлик қила олмайди. Чунки, у ишда талабчан раҳбардир. Бир кун ишчилардан бири сабабсиз ишга келмай қолди. Шунда мастер ўша ишчини бригада аъзолари олдида тик турғизиб қўйди ва улардан узр сўрашга мажбур қилди. Шундан буён бундай ҳол қайтарилмайдиган бўлди.

— Ҳозир цехимизда М. Мулякова, Т. Темирбоева каби ўндаб илғор ишчилар меҳнат қилишмоқда. — дейди фахр билан смена мастери.

Бригада коллективининг йиллик план топшириқларини ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига олган мажбуриятини муваффақиятли адо этишида унга раҳбарлик қилаётган В. Назированинг ҳам хизматлари катта. Ана шунинг учун ҳам кўп йиллик фидокорона меҳнатлари эвазига партия ва ҳукуматимиз томонидан Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланган.

Комунист В. Назирова партиявий топшириқларни сидқидилдан ўз вақтида адо этади. У ҳар бир кампанияда ишчиларни сафарбар этишда авангардлик қилмоқда. Шунинг учун ҳам коммунистлар унга катта ишонч билдириб. Тошкент шаҳар партия комитети пленумининг аъзоси қилиб сайлашган.

1-нон заводининг коллективи 1-кварталда социалистик мусобақа голиби бўлиб чиққанлиги учун республика Озиқ-овқат саноати министрлигининг кўчма Қизил байроғини ва пул мукофотини олишга муваффақ бўлди. Бунда В. Назирова раҳбарлик қилаётган илғор бригада меҳнатчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

А. ПАШКОВА,
шахсий пенсионер.

•*Саксонота почтасидан*

СУВСИЗ ҚУВУРЛАР

Ростми, ёлғонми, илгарилари одамлар ҳаваога лайлак боқишган деган гап бор.

Биз ҳам шунга ўхшаш «ҳавас» билан тўққиз йил бурун кўчамиздаги хонадонларга водопровод ўтказдик. Сув келди деб, тўйдан олдин ноғора чалган эканмиз. Хурсандчилик узоққа бормади.

Энди-чи... Қишда тийғаноғу, ёзда тўзон кўчаларимизда қишин-ёзин чеварак кўтарган одамларни учратиш мумкин. Қатнамаган ва арз қилмаган идора қолмади. Улардан олинаётган жавоб битта: «Борамиз, тузатамиз, сув бўлади».

Ойлар, йиллар бир-бирини қувиб ўтмоқда, водопровод қулоғи бураланганда, сув келиш ўрнига қулоқни қоматга келтирувчи қуштак чалинади. Мана шу қуштакка неча йиллардан бери пул тўлаб келмоқдамиз.

Арзимиз шу, Саксон ота! Ҳозир қўлларидан ёзин-қишин челак тушмаган набираларингиздан йўлингиз тушса, бир хабар олинг. Адресимиз шу: Октябрь район, Ленточная кўча, Ҳаракат проезди, 4-тупик.

М. РАСУЛЕВ.



Тошкентдаги 10-автомобиль ремонти заводининг ишчилари беш йилликнинг тўртинчи йилида республикамиз автомобиль хўжаликларининг 3 мингдан ортиқ автомашинасини ремонт қилиб бериш мажбуриятини олган.

СУРАТДА: қорхонанинг ремонт конвейерида.

М. Нуриддинов фотоси.

Фрунзе ошхоналар трести қошидаги кондитер маҳсулотлари цехининг қандолатчилари ҳар куни меҳнаткашлар учун 30 номда 1,5 тоннадан ортиқ булка-кондитер маҳсулотлари тайёрлаб бераднлар.

СУРАТДА: цех конвойларидан Иза, Мерлис ва Галия Ниёзхонова магизли булкаларни тайёрлашяпти.

Ўлкамиз янгиликлари

«ХАЛҚОБОД» ҚУЧОҒИДА

БУГУН

Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли «Халқобод» комбинати қучоғида машинасозларнинг дам олиш базаси ташкил қилинди.

«Таштекстильмаш» заводи маъмурияти ишчи ва хизматчиларнинг икки кунлик дам олишларини яхши ўтказиш учун, бу ердаги ўз базасида хушбичим уйларни қурди. 100 киши дам оладиган бинода ҳамма шароитлар мавжуд.

7 гектарча келадиган дам олиш боғида спорт майдонлари, чўмиладиган жойлар, танца майдонлари, ошхоналар қозирланган. Тўқимачилик машинасозлари «Халқобод» қучоғида навбати билан ором оладилар. Ҳар ҳафтада 200 кишининг ҳордиқ чиқариши учун ҳозирлик кўрилмоқда.

НАНАЙ ЧОРЛАЙДИ

БУГУН

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети география факультетининг 3-курс студентлари Бўстонлиқ районидаги Нанай қишлоғига практикага жўнаб кетдилар.

Улар ўқитувчи В. Баҳриддинов раҳбарлигида уч йил давомида олган назарий билимларини амалда синашади.

ҚЎҚОНЛИКЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

ҚЎҚОН. Қўқондаги Оҳунбобоев номли йигирув-тикув фабрикасининг коллективи Фарғона областида биринчи бўлиб москвалик тикувчи Мария Ивановнанинг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Барча цехларда 1970 йилнинг 22 апрелида тежалган хом ашё ҳисобига ишлаш мажбурияти олинди. Бунинг учун йигирувчилар шу кунга қадар 2600 килограмм ровница, тикувчилар 3 тонна ғалтак ипгисод қилишга сўз беришди.

«Ҳар бир ишчининг ўз иқтисод плани бўлсин» шиори остида ўтаётган мусобақага Қўқон пайпоқ тикув комбинатининг трикотажчилари ҳам қўшилдилар.

(ЎзТАГ).

СУРХОН ВОДИЙСИДА БАЙРАМ

ТЕРМИЗ. Сурхондарё областида В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигига бағишланган адабиёт ва санъат байрами уч кун давом этди.

Область марказида бошланган байрам қурилишлар, колхоз ва совхозларда давом эттирилди. Сурхондарё областидаги шаҳар ва қишлоқларнинг минг-минглаб меҳнаткашлари ўз меҳмонлари — Ўзбекистоннинг етакчи шоирлари, композиторлари ва сахна усталари билан учрашдилар. (ЎзТАГ).

ҚИШЛОҚЛАРДАН—ПОСЁЛКАЛАРГА

ҒУЗОР. (Қашқадарё области). Пачқамар сув омборининг яқинида янги колхоз посёлкаси қад кўтарди. Бу ерга Ғузор районидаги Карл Маркс номли қишлоқ хўжалик артелининг меҳнаткашлари кўчиб келишди. Дастлабки бинолар бундан икки йил илгари қурила бошланган эди, ҳозир эса икки юздан ортиқ бир ва икки квартирали, барча қулайликларга эга бўлган уйлар бунёд этилган.

Чироқчи районидаги «Москва» Шахрисабз районидаги Энгельс номли колхозларда ва бошқа хўжаликларда ҳам ана шундай посёлкалар қурилмоқда.

(ЎЗТАГ).



ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Калинин районининг пилла чилари давлатга пилла топширишни давом эттирмоқдалар.

СУРАТДА: райондаги Ильич номли колхознинг лаборантларидан Х. Орипова ва М. Расулова янги пилла ҳосилининг сифатини текширмоқдалар.

Х. Ҳайтмуҳамедов фотоси. (ЎзТАГ).

САМАРҚАНД САФАРИДАН

1-ун комбинатининг 50 илғор ишчи ва хизматчилари Самарқандга қилинган икки кунлик бепул сафардан қайтиб келишди. Улар навқирон ва қадимий Самарқанд шаҳрининг ажойиб тарихий ёдгорликларини мириқиб томоша қилишди.

Бу сафар ишчи-хизматчилар қалбида ўчмас из қолдирди.

ҲАМШАҲАРИМИЗ

МИНГ ФАРЗАНДНИНГ ОНАСИ

Олияхон опа кабинетига кириб ҳали оқ халатини кийганича ҳам йўқ эдики, стол устидаги ички телефон жиринглаб қолди. Халатини елкасига илиб телефонга яқинлашди ва трубкани кўтарди.

— Эшитаман...

— Салом, яхшимисиз,— деган овоз келди трубкадан.

— Раҳмат, тинчликми, Рансо? Сменани яхши ўтказдингизми?

— Олия Султоновна, ҳаммаси жойида... Аммо ҳозиргина ҳушидан кетган, оғир аҳволдаги бир ҳомиладор онани олиб келишди. Тезлик билан келмасангиз...

— Палатага ётқиздиларингми?

— Ҳа, биринчи ёрдамни бердик. Укол қилдим, кислород берямиз.

— Ҳозир бораман...

Олияхон опа халатини кийиб, тезда беморга ётган палатага йўл олди. Юз метр келмайдиган масофа минг метрга ўхшаб кетди. У ҳонага келганида беморнинг рангида қон қолмаган, қийналиб зўрға-зўрға нафас олар эди. Бемор тепасида унинг умр йўлдоши, безовталанган, гоҳ у ҳамширага, гоҳ бу ҳамширага қараб, улардан илиқ сўз эшитишга ошиқарди. Унинг ножот изларётган кўзлари жиққа ёш.

— Уйимиз туғруқхонадан анча олисда эди, тўлғоқ тутганда йўлга чиққандик, — дея Олияхон опа саволига жавоб қайтарди йиғит..

— Тушунарли... Дарҳол туғдириш хонасига олиб киринглар.— буйруқ берди Олияхон опа ҳамшираларга. Чунки ортиқча мулоҳаза юритиб ўтиришга ҳожат йўқ эди. Мана махсус хона. Соат мили тезлик билан ўтар, врач ва ҳамшираларнинг қўли-қўлига тегмасди.

Тезлик ва чаққонлик билан ўтказилган медицина ёрдамидан сўнг икки чақалоқ — Ҳасан ва Зуҳра туғилди. Она эса ўзини яхши ҳис қила бошлади.

Олияхон опа Умарова бош врач бўлган туғруқхонада бундай воқеалар тез-тез бўлиб туради. Бу ерда кунига 25—30 нафар, ҳатто ундан ҳам кўпроқ фарзанд туғилади. Ана шу фарзандларни эсон-омон туғилишида, албатта Олия опанинг хизматлари катта.

Биз Олияхон опа Умарова кабинетига кирганимизда у деразадан атрофга разм солиб, саррин ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олар экан, келажакка кўз тиккандек боқиб турарди. Ана шу дераза олдидаги бодом ниҳоли, сирень дарахти, ва ўрик-олмалар ҳам Олияхон опанинг ташаббуси билан экилган-да! Бу ерда мингдан ортиқ турли хил гул ва дарахтлар бор. Бу йил туғруқхона боғига яна бир неча минг гул кўчатлари экиб парвариш қилишяпти...

Олияхон Умарованинг фикри-хаёли оналар билан тез-тез суҳбатлар ўтказиб туриш, уларга фойдали маслаҳатлари билан ёрдам беришдан иборат. Айниқса, биринчи бор ҳомиладор бўлган оналар билан тез-тез суҳбатлашиб туради. Шунинг учун ҳам уларга қўлидан келган меҳрибончилигини аямайди.

— Мен ҳам биринчи бор фарзанд кўрганимда жуда қаяжонланган-дим,— дейди Олияхон опа, — ҳамшираларнинг фойдали маслаҳатларини интизорлик билан тинглардим. Яхши суҳбатлар кўнглимни кўтариб юборарди.

Олияхон опа 1930 йиллар бошида Ўрта Осиё медицина институтига (ҳозирги ТошМИ) кириб, уни муваффақиятли тамомлаб чиқади. Иккинчи жаҳон уруши пайтларида у Киров район ҳарбий комиссариати ихтиёрига ўтказилди. У эвакуация қилинган ҳарбий ярадорларни даволаш каби муҳим ва масъулиятли вазифада хизмат қилди.

Уруш тугади. Мамлакатимизда тинч қурилиш даври бошланди. Шундан кейин Олияхон опа Умарова Тошкент гўшт комбинати қошидаги соғлиқни сақлаш бўлимида, кейинчалик Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари вазифаларида ишлади.


Бир неча вақтдан кейин ўзи уруш-дан илгари ишлаган Октябрь районидаги Охунбобоев номли 3-туғруқхонага бош врач бўлиб ишга тайинланди. Ҳозиргача у ана шу ерда оналар ва болалар саломатлиги йўлида қормай-толмай меҳнат қиляпти.

Партия - ҳукуматимиз Олияхон опа Умарованинг кўп йиллик хизматларини тақдирлаб, «Ҳурмат белгиси» ордени, «Соғлиқни сақлаш аълочиси» медали ва бошқа бир қанча фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган. Биз Олияхон опани минг боланинг онаси дедик, Ҳа, у минг эмас, ундан ҳам кўпроқ фарзандинг меҳрибон мураббийси ва дояси бўлган.

У билан бирга Рансо Ашурова, Людмила Шманская, Валентина Рябина ва Людмила Колдшенская сингари саломатлик посбонлари бир сафда ҳалол меҳнат қиляптилар. 450 ўринлик бу туғруқхонанинг меҳнатсевар ҳамширалари ҳақида қайси бир она билан гаплашманг, илиқ сўзлар эшитасиз.

Ана шунинг учун Олияхон опа Умарова бир неча йиллардан буён Тошкент шаҳар совети-нинг депутатидир. У халқ хизматкори деган шарафли номга муносиб хизмат қилаётир.

М. ИБРОҲИМОВ.



Инженер Мирали Мираҳмедов 20 йилдан буён ўзбек радиосида ишлайди. Шу давр мобайнида у кўпгина ёш мутахассисларга радио эшиттириш техникасини ўргатишда яқиндан ёрдам кўрсатди.
СУРАТДА: инженер М. Мираҳмедов ўз ёрдамчиси бош техник Ш. Шокировлар билан навбатчиликда.

МАДАНИЯТ УЙИ

Киров районида Киров номли музика, радио, рақс тўгарақларига янги маданият уйи очилди. Ҳозир қобилиятли ёшлар қабул қилинбу маданият уйида бичиш-тикиш, моқда.

ТЕАТР ИНСТИТУТИ КОНГРЕССИГА

Бир неча кундан кейин Венгрия Халқ Республикасининг пойтахти Будапештда халқаро театр институтининг конгресси бўлади. Унинг ишида қатнашиш учун Совет Иттифоқидаги бир қатор театрларнинг етук санъаткорлари ҳам таклиф қилинган.

Қорақалпоғистон АССР Станиславский номли Давлат театрининг талнатли артисти, СССР халқ артисти Оймхон Шомуродова, Қашқадарё область музикали театрининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Муҳиддин Мажидов конгресс ишида қатнашиш учун Будапешт шаҳрига жўнаб кетдилар.

Дилбандлар

ЛАВҲА

Сўлим боғ турли қушларнинг навосига тўлган. Гулларнинг муаттар иси димоғни чоғ этяпти.

Ёш ўспинларнинг қувноқ ҳандалари, тарбиячиларнинг ҳушмуомала ва меҳрибонлик билан гапиришаётгани эшитилади.

Болалар уйида ҳаёт ана шундай қайнарди.

— Бу болалар уйи оғир уруш йилларида, 1942 йилда ташкил этилди, — деди болалар уйининг директори Анна Павловна Хлебушкина. — Уша йили мени бу ерга директор этиб тайинлашди. Уша йиллари жанг майдонларидан эвакуация қилинган мурғак ғудакларни жуда кўплаб олиб келишарди. Уларни кўриб юрак-бағримиз эзиларди.

Ҳа, уруш йиллари оғир эди. Ота-онасиз қолган болалар ўзбек хонадонида тарбия ола бошладилар. Уларга тарбиячилар ота-онадек меҳрибонлик қилардилар. ғудакларни ўкситмас эдилар.

Мана, орадан йигирма етти баҳор ўтиб кетди. Шаҳримиздаги 22-болалар уйидан шу вақт ичида 2280 бола вояга етиб, катта ҳаёт қучоғига парвоз қилди.


Анна Павловна болалар уйида тарбия олиб, ҳозир халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилаётган кўплаб кишиларнинг номларини айтди.

Болалар уйида тарбияланганлардан Тамара Юнусова «Баҳор» ансамблида раққоса, Олияхон Султонова А. Навоий номли Катта академик театрда солистка, Пўлат Нурматов «Узсантехмонтаж» бошқармасида бўлим раҳбари, Марям Матвеева болалар врачи бўлиб ишламоқдалар.

Ҳозир болалар уйида 150 бола шод ва бахтиёр тарбияланмоқда. Уларни Л. Е. Бихейева, С. Набиева каби меҳрибонлар қалб қўрларини тўкиб, чин юракдан парвариш қилишмоқда.

Бу ерда рус, ўзбек, корейс, қозоқ, яҳудий, белорус, арман, татар, тожик, туркман ва бошқа миллат болалари бир оила бўлиб аҳил яшашмоқда.

Й. АҲРОРОВ,



Шаҳримиздаги Максим Горький номли истироҳат боғи болаларнинг севимли кўнгил очар жойларидан ҳисобланади. Бу ерда кичкинтойлар и н и г кўнгилли дам олиш учун барча шароит мавжуд.

СУРАТДА: «Ракета» аттракциони.

М. Нуриддинов фотоси.

Китоблар оламида

«ИНГЛИЗ ТИЛИДА СЎЗЛАШИНГ»

«Ўқитувчи» нашриёти Ж. Жалиловнинг V—VI синф ўқувчиларининг инглиз тилидан оғзаки нутқини ўстириш учун фойдали бўлган юқоридаги қўлланмасини босиб чиқарди.

Китоб инглиз тили ихлосмандларига мансур бўлгани учун ҳам иккинчи марта нашрдан чиқишидир.

„ОЙДА“

Рус олими К. Э. Циалковскийнинг «Ойда» деб аталган китоби босмадан чиқди.

Ундаги «Уйғонсам алақандай янги олам», «Ойда тажриба ўтказиш», «Қуёшни қувиб кетаётирмиз». «Ойдин кеча», «Уйғониш» каби қатор ҳикоялар айниқса қизиқарлидир. Бу китобнинг иккинчи нашри бўлиб, уни «Ўзбекистон» нашриёти чоп этган.

«ТОШКЕНТ ҚУРИЛМОҚДА»

Яқинда Ғ. Пўлатов ва В. Гравковнинг «Тошкент қурилмоқда» деган брошюраси босмадан чиқди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Бирлашган нашриёт томонидан нашр этилган бу китобда қурилаётган янги Тошкент, турли миллат халқларининг дўстлиги, қудрати тараннум этилади.

«Справочник—луғат»

«Ўзбекистон» нашриёти халқаро снёсий иқтисодий ва ижтимоий ташкилотлар ҳақида «Справочник — луғат»ни нашр этди.

Луғат ҳозирги пайтда дунёда кўзга кўринарли роль ўйнаётган 100 дан ортиқ халқаро ташкилотларнинг ташкил топиши, мақсади, вазифалари, тузилиши ва фаолиятининг асосий томонларини ҳикоя қилади.

Р. ТИЛЛАЕВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Социализм мамлакатларида

ГДР

ЛЕЙПЦИГ яқинидаги Марклебергда Германия Демократик Республикасининг традицион қишлоқ хўжалик виставкаси очилди. Виставкадаги экспонатлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативлари ва халқ мелиоративларининг муваффақиятларини, қишлоқ меҳнатчиларининг 1969 йил халқ хўжалиги планини бажариш учун, техника билан яхши таъминланган замонавий қишлоқ хўжалигини вужудга келтириш учун олиб бораётган курашини акс эттиради.

Совет Иттифоқи виставкада қатнашмоқда. Совет Иттифоқи ўз қишлоқ хўжалик техникасининг кўп хилларини намойиш қилади.

(ТАСС)

МХР

МОНГОЛИЯ Халқ Республикасининг 7-чақириқ Буюк халқ хурали сайловига, шунингдек халқ депутатлари маҳаллий хуралари сайловига тайёргарлик сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати бениҳоя ўсган вазиятда ўтяпти. Бу сайловлар 22 июнь — якшанба кунига тайинланган.

Шу кунларда мамлакатнинг ҳамма қисмида сайлов олди йиғилишлари давом этмоқда. Бу йиғилишларда депутатликка номзоди кўрсатилган кишилар сайловчилар билан учрашмоқдалар. Халқ Монголияси халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантириш беш йиллик планини муваффақиятли бажариш соҳасидаги вазифалар, шунингдек коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада ўтказилаётган халқаро анжуман материаллари ва ҳужжатлари сайлов олди кампаниясида муҳим ўрин олади.

(ТАСС)

РУМИНИЯ

РУМИНИЯ меҳнаткашлари авиация кунини нишонладилар. Мамлакат озод қилинган пайтгача Руминияда ишлаб чиқарилган пассажир самолётларининг бирортаси ҳам Европанинг ҳаво йўлларида парвоз қилмаган эди. Эндиликда «Таром» компаниясининг пўлат қушларини қитъамизнинг пойтахтларида ва йирик шаҳарларидагина эмас, балки Гавана, Мехико, Нью-Йорк, Теҳрон, Қувайт, Қоҳирада ҳам учратиш мумкин. Маҳаллий ҳаво йўлларида 17 аэропорт йўловчиларга хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда мамлакатда қишлоқ хўжалик ва санитария авиацияси кенг ривожланди.

(ТАСС).

ПОЛЬША

ВАРШАВА. Бу ерда автоматик бошқариш халқаро федерациясининг тўртинчи конгресси очилди. Конгрессининг ишида турли мамлакатлардан келган 1500 атоқли олим қатнашмоқда.

СССР Фанлар академияси механика ва бошқариш процесслари бўлимининг академик секретари Б. Н. Петров совет делегациясига бошчилик қилмоқда.

Мутахассислар автоматик бошқариш соҳасидаги тажрибани алмашадилар ва бу соҳани янада ривожлантириш йўлларини белгилайдилар.

АГРЕССИЯ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. Кейинги вақтларда Америкаининг «В-52» типидаги оғир бомбардимончи самолётлари АҚШ нинг Утапао (Таиланд) ҳарбий-ҳаво базасидан Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг позицияларига ҳам Лаос территориясига ҳам ҳужумни кўчайтириб юборди. ЮПИ агентлиги мухбирининг Утапаодан хабар беришича, «В-52» самолётлари ҳар куни 750-500 қадоқли бомбаларни ортиб, ўрта ҳисобда 50 мартадан ортиқ парвоз қилмоқдалар.

1962 йилда Женевада Лаос масаласи юзасидан тузилган битимни бузиб, «Осмонда қилинаётган махфий жанг» тўғрисида расман лом-мим демасликни Қўшма Штатлар афзал кўрмоқда, чунки «АҚШ сиёсий мулоҳазаларга кўра, ўз бомбардимончи самолётларининг Лаосга қилаётган ҳужумларини тан олишни истамайди», деб ёзади ЮПИ агентлигининг мухбири.

«В-52» самолётларининг Жанубий Вьетнамга ва Лаосга ҳужум қилиши учун Америкаининг Гуам оролидаги ва Окинавадаги Кадена авиабазаларидан ҳам фойдаланилмоқда. Аммо ЮПИ агентлигини таъкидлаб ўтишича, Японияда Окинавани АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси базасига айлантиришга қарши норозилик билдирилаётганлиги сабабли Америка учувчиларига Кадена аэродромидан фойдаланилаётганлигини сир тутиш буюрилган.

(ТАСС).

ТУНИСДАГИ ЯРМАРКА ЁПИЛДИ


ТУНИС. ТАСС мухбири В. Дугонов хабар беради:

Тунисда очилган ва икки ҳафта давом этган 14-халқаро ярмарка ўз ишини тамомлади. Ярмаркада Тунисдан ташқари 22 давлат, шу жумладан СССР, Болгария, Польша, Чехословакия, Руминия қатнашди.

Совет Иттифоқи павильони ярмарка томошабинларига жуда манзур бўлди. Ярмарканн келиб кўрган кишиларнинг ёзиб қолдирган жуда кўп баҳолари буни исбот қилади. Бунда, жумладан, Совет павильонининг жуда яхши ишланган экспонатлари советлар мамлакатининг барча соҳаларда буюк муваффақиятларга эришганлигини, шунингдек, унинг иқтисодий муносабатларни ривожлантиришдаги имкониятларини кўрсатиб беради.

Ярмаркада совет китоблари, хусусан В. И. Ленин асарлари ва жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчисининг ҳаёти ҳамда фаолияти тўғрисидаги китобларга талаб жуда катта бўлди.

Маҳаллий матбуотнинг фикрича, Совет Иттифоқининг ярмарка ишида қатнашганлиги СССР билан Тунис ўртасидаги савдо-сотиқ ва иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.



ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Республика савдо флоти йил сайин ривожланмоқда.
СУРАТДА: 10 минг тоннали янги «Фрейдург» юк кемаси. Бу кема тезюрар бўлиб, автомат усулда бошқарилади.
АДН—ТАСС фотоси.

ЯНА ИГВОГАРЛИК

АММОН. (ТАСС). Исроил ҳарбийларининг игволари давом эттирилаётганлиги натижасида 15 июнь маҳаллий вақт билан соат 22 дан 30 минут ўтганда Иордан водисидаги Алманшия районида Иордания ва Исроил бўлинмалари ўртасида отишма бўлди. Отишма вақтида миномётлардан ва енгил қуроллардан фойдаланилди. Иордания қўмондонлиги вакилининг бу ерда эълон қилинган баёнотида шу тўғрида хабар берилади.

Баёнотда Иордания томони талафот кўрмаганлиги таъкидлаб ўтилади.



Карибденгизидаги Антиль оролларн таркибига кирувчи ва Нидерландияга қарашли Кюрасао оролида ҳарбий ҳолат эълон қилинган. 300 дан зиёд тўла жанговар ҳолдаги денгиз пиёда аскарлари иш ҳақининг оширилиши ва меҳнат шароитининг яхшиланишини талаб қилаётган орол ишчи ва хизматчиларига қарши ташладилар.
СУРАТДА: Кюрасао пойтахти Виллемстадтдаги «Ройял датч шелл» компаниясининг нефтни қайта ишлаш заводлари.
А. Катков фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

«БУГУН ЎҚИЛГАН ЛЕНИН»

ВАРШАВА. (АПН — Интерпресс). Польша ёшлари учун 1970 йил 2 апрелгача Ленин йили давом этади. ПХР социалистик ёшлари Союзи мана шунга қарор қилди. Юбилей программасида кўлгина қизиқарли тадбирлар бор. Социалистик ёшлар Союзининг ҳамма бошланғич ташкилотларида жаҳон пролетариати дохийсининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган семинарлар бўлиб ўтади. Булар «Бугун ўқилган Ленин» шиори остида ўтади, Студентларнинг мунозара клублари Совет давлати асосчисининг назарий меросини ўрганиш бўйича суҳбатлар цикли ташкил қилади. Социалистик ёшлар Союзининг ишчи университетлари В. И. Ленинни сиёсатчи, донишманд ва инсон сифатида оммалаштирувчи лекциялар ташкил қиладилар.

Социалистик ёшлар Союзи Бош правлениясн мамлакатдаги бошқа ёшлар ташкилотлари билан биргаликда 1970 йилнинг апрелида «В. И. Ленин ва ёшлар ҳаракати» деган мавзуда Умум-польша илмий конференцияси чақиришни кўзда тутаяпти. Республика корхоналарида ёш мичилар ленинча меҳнат вахтасида турадилар. Ҳозир улар В. И. Ленин номидаги социалистик меҳнат бригадалари номини олиш учун курашяптилар.

Варшавадаги В. И. Ленин музейи ташаббуси билан ташкил қилинган «Ленин — революция — Польша» мавзуидаги ёшлар конкурси катта муваффақият билан ўтди. Унинг биринчи турида уч мингга яқин мактаб ўқувчиси, студентлар ва армия ёшлари қатнашдилар. Тўққиз финалчидан Мелец шаҳридаги механике техникумининг V курс студенти Владислав Стец пешкадам деб тан олинди. Ғолиблар СССРга сафар қилиш учун путёвка билан мукофотландилар.

СОВЕТ КИТОБЛАРИНИНГ ИШҚИБОЗЛАРИ

ВАРШАВА. (АПН — Интерпресс). Польша меҳнаткашлари совет газета ва журналларини, китобларини севиб ўқишади. Улар ўртасида айниқса илмий-техникавий ва илмий-оммабоп нашрлар муваффақият козонаяпти. Польша китоб бозорида ҳар йили сотиладиган 35 минг номдаги 5,5 миллион нусха совет китобларининг 60 процентга яқинини шу ҳилдаги адабиётлар ташкил қилади. Бу — кардош мамлакатда Совет ҳукуматининг ҳаёти ва тажрибасига қизиқиш ортиб бораётганлигини ёрқин далилидир.

НОВАТОРЛАР ТАКЛИФИ АСОСИДА

ПХЕНЬЯН. (АПН махсус мухбири). Республикадаги йирик Кансон пўлат қуйиш заводида кейинги бир йилда 1600 рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бу катта иқтисодий самара берди, бирнеча янги буюмни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берди.

Металлургия илмий текшириш институтининг ходимлари Кан Тек Хон ва Хи Вон Су заводнинг инженерлари билан ҳамкорликда катта диаметрли янги труба ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқдилар.

Электр печи пўлат қуювчилари қатор янгиликларни жорий қилиб, қуйиш суръатини икки соатга қисқартирдилар. прокатчилар эса станнинг бўш айланишини камайтирдилар.

В. ПАРАФЕЕВ.

Оила даврасида мутоала

АЖДОДЛАРИМИЗ ЧИНДАН ҲАМ ЖУССАДОР БЎЛГАНМИ?

Ҳар биримиз болалигимизда эртаклар эшитганмиз. Бу эртакларда қадим аждодларимиз ниҳоятда бўйдор бўлиб, ҳамма одамлар паҳлавон бўлган. Жисмоний жиҳатдан биздан кўра беқиёс кучли бўлган, деган нақллар айтилади. Ҳақиқатдан ҳам шундайми? Бунга қизиқмоқчи бўлсангиз, қуйидаги ҳикоятни ўқиб кўриг-а.

Статистика нима дейди?

Неандерталь кишиларининг бўйи салкам 160 сантиметр бўлганлиги аниқланган. Ўрта аср паҳлавонларининг жисмоний қуввати ҳозирги ўсмирларникига аранг тенглашади. Москвалик эркакларнинг бўйи 1936 йили ўрта ҳисобда 168 сантиметр эди. 1963 йили эса қарийб 172 сантиметрга етди.

Аждодларимизнинг бўйи у қадар дароз бўлмаганлигини бошқа мисоллар ҳам исботлайди. Чунончи, ибтидоий одамларнинг бўйи қанча бўлганини шундан ҳам билса бўладики, улар ўзлари макон қилиб олган ғорларда бемалол тик юришган. Ҳолбуки, ҳозирги болаларимизгина бу ғорда бемалол юра олади.

Тўғри, қадимда ҳам бўйдор одамлар бўлган. Пётр 1 нинг бўйи 2 метрдан ортиқ бўлган. Лекин булар фавқулодда бир ҳодиса бўлган. Ҳозир бўлса, ҳар минг аҳолига бўйи 1,9 метрдан ҳам ортиқ бўлган беш киши тўғри келади.

Ҳозирги одамлар қанчалик тараққий этаётганини рекордларнинг муттасил янгиланиб бораётганидан ҳам кўрса бўлади. 1896 йили ўтказилган Олимпиада ўйинларида баланд ликка сакраш бўйича эркаклар рекорди 1,81 метрга тент эди. 1936 йили бу рақам 2,03 метрга. 1964 йили 2.28 метрга етди. 1913 йилдан буён узунликка сакраш рекорди 1,29 метр узайди.

Замонамиз кишилари аждодларига нисбатан кучсиз эмаслигини кўрсатувчи бундан бошқа мисоллар ҳам келтириш мумкин. Лекин олимларимизни ҳозир бу нарса эмас, балки ҳозирги одамларнинг жисмоний жиҳатдан ҳаддан ташқари ривожланиб кетаётганлиги қайтага қолмоқда.

Бу ҳодиса бола онасининг қорнидалиги вақтидан бошлаб кўзга ташланмоқда. Янги туғилган боланинг танаси кейинги йигирма йил ичида ўрта ҳисобда 1,6 сантиметр узайиб, оғирлигига 273 грамм қўшилди. Бундан 50 йил илгари гўдакнинг вазни олти ойлик лигида икки баравар ошган бўлса, ҳозир тўрт ойда шунга етяпти. Болалар катта бўлгани сари бундан 50—80 йил олдинги шу ёшдаги болаларга нисбатан анча фарқ қилмоқдалар.

Қуйидаги мисолларни солиштириб кўринг-а:

Уч яшар ўғил болаларнинг бўйи 1901—1905 йилларгача 80 сантиметрдан ҳозир 95,5 сантиметрга етди. Оғирлиги 12,5 килограммдан 14,8 килограммга етди. Москвалик 13 ёшли боланинг жисмоний ривожланиши асримиз бошларидаги 17 ёшли йигитникига тенглашади. ГДРдаги 14 ёшли қизлар бундан 50 йил олдинги шу ёшдагилардан 12 сантиметр новча.

Энди уларнинг етилиш муддатини кўрайлик. Урушгача РСФСРнинг марказий областларида йигитлар 20—22 ёшгача, қизлар 18—20 ёшгача ўсарди. Ҳозир бу муддат анча қисқарган. Йигитлар 18 ёшгача, қизлар 16 ёшгача ўсмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, кейинги 100—200 йил ичида 14—16 ёшли ўсмирлар 15-20 сантиметр кўпроқ ўсиб, ўша даврдагидан уч йил олдин вояга етмоқдалар. Шу муддат ичида катта ёшдаги кишилар бўйи 7—10 сантиметр ўсди.

Бунинг сабаби нимада?

Олимлар нима дейди?

—Бу ҳодисани узоқ йилларлан буён ўрганиб келаётирмиз,— дейди профессор Д. К. Соколов.— Баъзи одамларнинг тез ўсиш жараёнини йигирманчи йиллардаёқ ўргана бошлаган эдик. Уша вақтда йирик радиостанциялар ташкил этилаётган эди. Ушанда баъзи тадқиқотчилар «радио тўлқинлар киши организмига муттасил ўтиб, ўсиш жараёнини тезлаштиради» деган фикрни айтишган эди.

Бошқа баъзи олимлар эса бу ҳодисани одамларнинг катта шаҳарларда кўплаб тўпланиши билан изоҳлашади. Шуни эслатмоқчимизки, асримизда ер юзи аҳолиси икки баравар кўпайиб, шу давр ичида шаҳарликлар 11 баравар ошди. Жисмоний жиҳатдан тез ўсиш, вояга етиш шаҳарликларда қишлоқдагиларга қараганда тез бўлишини назарга олинса, бу назарияга қўшилиш мумкин.

Кўпчилик олимлар актив ўсиш жараёнини ирқ ва миллатларнинг чатишиб кетаётганлигига йўяшади. Турли шароитда ўсган одамлар ўртасида никоҳ бўлиши ирсиятнинг ўзгаришига, инсоннинг жисмоний жиҳатдан камол топишига шарт-шароитлар яратди...

Кейинги пайтда қишлоқ хўжалигида ва медицинада ўсиш жараёнини тезлаштиришга ёрдам берувчи турли препаратлар ва витаминларнинг ишлатилаётганлигини ҳам инобатга олмаслик мумкин эмас. Бу моддалар ҳомиладор аёлнинг, гўдак ёки ўсмирнинг организмига тўғри ёки ўсиш жараёнини тезлаштиради.

Кўпчилик олимлар эса ўсиш жараёни кўпдан-кўп факторларга, жумладан меҳнат ва турмуш шароитининг ўзгариши, моддий фаровонлик ва маданий савиянинг ўсиши, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш тадбирларининг такомиллашиши, аҳолига даволаш-профилактика хизматининг яхшиланиши сингари омилларга боғлиқ деб айтишмоқда.

...Ҳозир олимлар ўсиш жараёни узоқ давом этадими, кишиларнинг ўсиши ўзидан-ўзи тезлашадими ёки қандайдир махсус чоралар кўриш керакми — ана шу ҳақда баҳслашмоқда. Агар ўсиш меъёри ҳозиргидек бўлса, 2000 — йилга бориб икки метрли одамлар ғайри-табиий бўлмай қолади ва сўнгра ер юзи аҳолиси кўп қисмини афсоналардаги тасвирланган паҳлавонлар ташкил этади. Шундай бўладиган бўлса, иморатлар, транспорт, енгил саноат маҳсулотлари ҳажмини кескин ошириш лозим бўлур эди. Энг муҳими —организмнинг тез ўсиши кишиларнинг соғлиғига қандай таъсир этади, бу ҳол қанака янги касалликлар туғдиради ва умуман одамнинг гавдаси унинг ўзини босиб кетмайдими?—ана шу саволлар мушкуллигича турибди...

Бир нарсадан хотиржам бўлса бўлади. Назаримизда, тарихда кишиларнинг тез ўсиш жараёнлари бўлган. Лекин бу ўсиш ўз-ўзидан барҳам топган. Ҳозир биз инсон организми энг кўп ўсаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу ўсиш қачон пасайишини айтиш қийин.

Ҳозирча одамларнинг тез ўсиши билан ҳисоблашишга тўғри келади. Бу ҳол касалликларнинг турли ёшдаги кишиларга кўчишида сезилмоқда. Врачлардан «Ёшлар ҳам рақка дучор бўляпти», «Қон босими ёшларда ҳам борлигини қаранг-а», «Ёшлар орасида ҳам хотираси заифлар бор-а», «Ёш бўлса ҳам инфарктга дучор бўлибди» деган сўзларни баъзан эшитишга тўғри келиб қолади.

Киши организми тез ўсаётганлиги юз бераётган ҳозирги пайтда жисмоний тарбия катта роль ўйнайди. Ҳозирги 16 ёшли ўсмирлар бундан ўнларча йил олдинги шу ёшдагилардан анча кучли, чидамли, чаққондирлар. Чемпионлар ва рекордчиларнинг ўртача ёши ҳам ҳозир анча яшарди. Лекин буларнинг ҳаммаси врачлардан кўпроқ назорат олиб боришни талаб қилади.

Кишиларнинг бўйи ва вазни ошганлиги ҳозирги замон кийим-бош ва пойафзал, мактаб ва болалар мебели стандартларини қайта кўриб чиқишни, уй-жой ва жамоат биноларини қуришда (айниқса шипнинг баландлиги) тузатишлар киритишни, фабрика ва заводларни, шаҳар транспорти, ва бошқа воситаларни жиҳозлашда янги конструкциялар ўйлаб топишни тақозо этади. Хуллас, одамнинг тез ўсиш жараёни қаттагина муҳим ва хилма-хил муаммоларни келтириб чиқармоқдаки, буларни пухта ўрганиш ва ҳал этишдан қочиб қутилиб бўлмайди.

В. НИКОЛАЕВ,
«Литературная газета»дан.



АНҲОР БУЙИ БИРАМ СУЛИМ... Ҳ. Афзалов фотоэтюди.

СТУДЕНТЛАР ШАҲАРЧАСИ

Ужгород яқинида шу ёзда қурилиши бошланадиган университет шаҳарчаси 80 гектар майдонни эгаллайди. Қулай ва яхши жойлаштирилган архитектура ансамблининг фойдали ўқув майдони 16 минг квадрат метр майдонни эгаллайди. Стационардаги 5 минг студент учун (ҳозир Ужгород университети ўқув факультетларида 3 мингдан ортиқ киши ўқияпти) ва кечки, сиртқи бўлимларда ўқийдиган 12 минг студент учун 12 факультет биноси, акт зали, кутубхона, лабораторя қурилади. 62 гектар жойда ботаника боғи ташкил этилади. Уларнинг ёнида эса стадион, ёпиқ сув бассейни бўлган, теннис ва бошқа ўйинлар ўйнаш мумкин бўлган спорт комплекси қурилади.

Харьков ахитекторларининг лойиҳаси бўйича бир ярим минг кишига мўлжалланган комфортабелли ётоқхона профессор-ўқитувчилар состави учун уйлар ва бир неча коттежлар қуриш мўлжалланган.

Владимир ПОПОВ,
АПН мухбири.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.



РАДИО

19 ИЮНЬ
ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Иқтисод фанлари кандидати М. Ортиқовнинг «Кўп қаватли уй-жойлар» деган суҳбати (ўзбекча). **18.10** Г. Қодировнинг хор асарлари. **19.20** Татар куйлари. **20.00** «ЕШЛИК» радиостанциясининг программаси. **20.40** Еш ижрочилар концерти. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.20** Севги қўшиқлари. **22.40** В. И. Ленин ҳақида қўшиқлар (ўзбекча). **23.15** Мақом кечаси. **23.30** «Актуал проблемалар» (Москва).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ёшлар ижоди (ўзбекча). **19.30** «Музикали календарь» **20.00** Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. **20.30** И. Аҳвердовнинг «Қари музикант» номли ҳикояси асосида радиоинсценировка (ўзбекча). **21.00** А. Жалолов. «Шоир Хислат ҳақида сўз» деган суҳбат **21.40** Концерт (русча).

20
ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги конверт. **7.40** Қўшиқлардан-қўшиқларга. **8.25** Область театрлари артистларининг концерти. **9.30** Б. Зейдман. Хоразм темаларидаги квартет. **9.50** «Жанг чининг қайтиши» (тожикча). **11.15** «Едгорликлар ва одамлар» деган эшиттириш (русча). **11.30** Вальслар. **13.30** Берлин радиоси солистлари ва эстрада оркестрининг концерти. **15.15** «Замондошларимиз» деган эшиттириш (ўзбекча). **15.30** Ф. Эрдинч. «Коммунист» ҳикояси асосида радиоинсценировка (ўзбекча). **16.10** Ёшлар учун музикали соат. **16.50** «Правда» газетасининг обзори. **17.00** Ўзбекистон радиоси ва телевидениe хорининг концерти. **18.00** «Коммунистик ахлоқ ва тарбия мавзуларида» (ўзбекча). **18.15** «Актуал проблемалар» (Москва). **19.20** Радио эшитувчиларининг талабларига мувофиқ концерт (татарча) **20.00** ФУТБОЛ. «ПАХТАКОР — «ЛОКОМОТИВ» (Москва). «Пахтакор» стадионидан олиб эшиттирилади. **20.45** «Ўзбекистон индустриальний» радиожурнали. **21.15** Дала меҳнаткашларининг талабларини ижро этамиз. **22.20** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Асқар Убайдуллаев ижросида қўшиқлар. **22.40** Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари (ўзбекча). **23.15** Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Куйлардан-куйларга. **9.15** Реклама ва эълонлар. **19.00** Республика композиторлари қайта ишлаган халқ куйлари. **19.30** «В. Боков шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар» деган музикали эшиттириш (русча). **20.00** Далада ишлаётганлар учун концерт (тожикча). **20.30** Увертюралар. **20.50** «Қизилқум яйловларида» деган эшиттириш (русча). **21.00** Қурашаётган Вьетнам адабиёти (ўзбекча). **21.40** Концерт (русча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

15.30 Ўзбек куйлари. **16.00** Т. Ф. Зуппе. «Донья Жуанита» оперетасининг монтажи. **2.** «С. Раҳманиновнинг учинчи симфонияси» деган музикали эшиттириш (русча).

ТЕЛЕВИЗОР

19 ИЮНЬ
ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: **18.35** Телевизион янгиликлар. **18.45** Болалар учун. «Сўз — Зарница» ўйини қатнашчиларига.

Ўзбек тилида: **19.10** «Бинокор» телепрограммаси. **19.40** Кинодеяинома. **20.10** Шеърият мухлисларига. Э. Воҳидов шеърлари. **20.20** «Оҳанжамалик қутича». Бадиий фильм (рус тилида). **21.45** Телевизион янгиликлар. **22.00** Санъат усталари. Маннон УЙҒУР.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

23.30 Рангли телевидение программаси. Футбол бўйича СССР биринчилиги. «ТОРПЕДО» (Москва)— «СПАРТАК» (Москва). **00.15** «Трест» операцияси» Телевизион бадиий фильмнинг учинчи серияси. **01.40** Москва кўрсатишларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 ДЎСТЛИК ЭКРАНИ ДУШАНБА ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ КЎРСАТУВЛАРИ.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Актуал иқтисодий проблемалар. **20.30** Рангли телевидение программаси. **22.00** «Вақт информацион программаси.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: **20.00** «Уруш йўлларидан». Кинофильм.

Рус тилида: **20.10** «Ажойиб кайфият». Ҳужжатли фильм. **20.30** «Киевлик қиз». Бадиий фильмнинг биринчи серияси.

20
ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: **18.20** Ўсмирлар учун. «Старшеклассник» программаси. **19.00** Футбол бўйича СССР биринчилиги. «ПАХТАКОР» — «ЛОКОМОТИВ» (Москва). Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: **20.45** Телевизион янгиликлар. **21.00** Ота-оналар университети. **21.40** Ҳосил тандирини шу кунларда ҳал қилишади. **22.00** «БЎСТОН» тележурнали.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

13.00 Янгиликлар. **13.15** Болалар учун. «Табиат мўъжизалари». **13.30** «Билим». Илмий-оммабоп программа. **14.00** Москва кундузги кўрсатишларининг охири. **19.55** Кўрсатишлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** Кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Юлдузча пордайди». **21.00** «Мард юрак». Телеочерк. **21.30** Халқ чолғу асбоблари оркестрининг концерти. **22.00** «Иван Макарович». Бадиий фильм. **23.30** Янгиликлар эстафетаси. **00.15** Балет артистларининг Москвадаги халқаро конкурси. **01.15** «Узоқ йўллар чорлайди». Туристик альманах. **01.45** Эстрада концерти. **02.45** Фақат фактлар, кўрсатувлар программаси. **03.00** Москва кўрсатишларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: **20.00** «Оддий фашизм». Ҳужжатли фильм. Рус тилида: **22.10** «Киевлик қиз». Бадиий фильмнинг иккинчи серияси.

Кино

19 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Дўппили фариштa — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб 9,45, 11.30, кундуз соат 1.15 да),

Учрашув манзили — ЖЕНЕВА — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «УЗБЕКИСТОН» НАВОИЙ номли (кечқуруи), «МОСКВА» (кеч соат 7.20 да).

Таниш-билишларимиз — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кечқуруи),

Катталар ўйини — «УЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кечқуруи).

Уруш-уруш-да — «МОСКВА» (кеч соат 9 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10,40 минутларда бошланади)

Таниш-билишларимиз — ТЕЛЬМАН НОМЛИ, «ХИВА».

Учрашув манзили —женева — «ФЕСТИВАЛЬ».

20 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Учрашув манзили — Женева— «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруи), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3 да, кеч 6, 8.40 минутда), «МОСКВА» (кундуз соат 12, 2 яримда, кеч 7,20 минутда);

Таниш —билишларимиз — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ДРУЖВА» (кундуз ва кечқуруи), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кеч 8, 10 минутда);

Рошфорлик қизлар — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқуруи);

Катталар ўйини — ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи);

Чангда қолган гул — (ўзбек тилида) —«НАВОИЙ» номли (кундуз ва кечқуруи);

Дўппи кийган фариштa — «САНЪАТ САРОЙИ» (эрталаб соат 9.45 минутда, 11 яримда, кундуз соат 1,15 минутда);

Уруш —уруш-да —«МОСКВА» (эрталаб соат 10 да, кундуз соат 5 да, кеч соат 9.20 минутда);

Маҳтумқули — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ (кундуз соат 12, 2, 4 да, кеч соат 6 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10,40 минутларда бошланади)

Таниш — билишларимиз — «ТЕЛЬМАН» номли, «ФЕСТИВАЛЬ».

Учрашув манзили — Женева —«ХИВА».

КИРОВ РАЙПИШЧТОРГИ

озиқ-овқат молларини сотиш бўйича сотувчилар тайёрлаш учун 18 дан 24 ёшгача бўлган 8—10 синф маълумоти бор ёшларни

МАКТАБ- МАГАЗИНИГА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқувчиларга ойида 45 сўмдан 54 сўмгача стипендия тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, А. Толстой кўчаси, 6-уй, кадрлар бўлими.

2 — «СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ 8 МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда минорали кран машинистлари тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА

8—10 синф ҳажмида маълумоти бор, 18 ёшга тўлган ёшларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқув муддати — 2 ой.

Ўқишлар 25 июндан бошланади.

Ойига 60 сўм стипендия тўланади.

Ёлғиз кишиларга ётоқхона беріладн.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Қизил партизанлар кўчаси, 50 уй (10, 14 56 автобуслар, 10,7 троллейбусларнинг «Компрессор заводи» бекати).

ИЛЬИЧ НОМЛИ ТАЖРИБА МЕХАНИКА ЗАВОДИГА

инженерлар; конструкторлар, нормаловчилар; металл қириш ва темирчилик — котельний ишлаб чиқариш бўйича техниклар, токарлар, фрезерчилар, чархловчилар, силлиқловчилар, слесарлар; механика-йигув ишлари, металл —конструкцияси бўйича монтажчилар; юкчилар (меҳнат ҳақи келишилади), шофёрлар, ҳарбийлаштирилган мудофаа ўқчилари.

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Островная кўчаси, 13 уй (1, 4, 30, 41, 50; 69, 74 автобуслар), 3,4, 5 троллейбуслар, 3 трамвайнинг «Ассакинский» бекати). Телефон 3-3-54-42.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАТЕРИАЛ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ КОНТОРАСИГА

омбор мудири, электр жиҳозлари билан таниш бўлган юкларни чиқариш бўйича экспедиторлар, юкчилар, товаршуносlар, кассир, бухгалтер

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, У. Юсупов кўчаси, 1 «а» уй. Телефон 4-63-52.

«УЗТРАНССПЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ МАТЕРИАЛ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ КОНТОРАСИГА

омбор мудири, 3, 4, 5 разрядли пайвандчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 10 уй.

Андижон область Уч-Қўрғон районидаги А. С. Пушкин ном. ли 21 сон ўрта мактаб томонидан Рўзимбой Умаров номига берилган 002150 номерли йўқолган

ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестати

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ МАДАНИЙ — ОҚАРТУВ ТЕХНИКУМИГА

комендант, секретар — машинистка, новоуллар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент — 95, Студентлар шаҳарчаси, II — Чимбой кўчаси, 97 уй (28, 38, 49 автобусларнинг «Вузогродок», 76 автобусининг «Маданий оқартув техникуми» бекатлари).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

20 июнь кеч соат 7 да СССР биринчилиги учун «А» классининг «ЛОКОМОТИВ» (Москва) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

ЛЕНИН РАЙОН РАЙПИШЧТОРГИГА

сабзавотлар бўйича экспедитор, кассирлар, лотон сотувчилари, ишчилар, ишчилар, фаррошлар

КЕРАК

ҳамда 8—10 синф маълумоти бор 18—24 ёшли ўқувчиларни мактаб-магазинига

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқувчиларга 45—54 сўм миқдорида стипендия тўланади,

Ўқиш муддати — 6 ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Вокзал олди майдони, 32 уй.

ТАШКИЛОТ, КОРХОНА, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА

„ТОШКЕНТ ОҚШОМИ“

газетасининг эълонлар бўлими ҳар турли эълонларни қабул қилади

Шу жумладан ишга таклиф, конкурслар, диссертация ёқлаш ҳақида, таъзия, ҳар хил буюмларни сотиш (уйлар, машиналар, мебеллар, гуллар в. б) штамп, думалоқ печатлар; ахборлик аттестатлари, дипломлари йўқолганлиги тўғрисида.

Қабул қилинган эълонлар бир ҳафталик муддатда босиб чиқарилади.

Эълонлар якшанба кундан бошқа ҳар куни кундуз соат 2 дан 4 гача қабул қилинади.

АДРЕС: Тошкент шаҳар «Правда Востока» кўчаси 26-уй, 1-қават.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 19 ИЮНЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарь—33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими —33-65-57 эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Вирасштаб нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

НАПР 2781 Р. 06575. Индекс 64579.